

Халқ сўзи

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ



ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерацияси Президентини Владимир Путин билан 9 август кунини ўтказилган телефон орқали мулоқотида Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш ва фаол гуманитар алоқаватни яқинлаштиришда эътибор алоҳида эътибор қаратилди.

Икки мамлакат етакчилари бўлажак тадбирлар режасини ҳам кўриб чиқиб, яқин муқаддатларда қўшма Ҳукуматлар орасидаги навбатдаги йиғилишини, Ўзбекистон — Россия худудлар, таълим ва медиа форумларини ўтказиш муҳимлигини таъкидладилар.

Минтақавий ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Ў.А.

СПОРТ СОҲАСИДАГИ ВАЗИФАЛАР БЎЙИЧА АХБОРОТ БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга спорт соҳасидаги йирик тадбирлар ва режалар ҳақида ахборот берилди.

Юртимизда спорт анча ривожланиб бормоқда. Футбол, волейбол, бокс, кураш, шахмат, теннис, оғир ва енгил атлетикаларнинг кўплаб турлари оммалашган. Давлатимиз раҳбари гоёси билан ташкил этилган “Беш ташаббус олимпиадаси” ёш авлод орасида жисмоний маданиятни янада кенг ёйишга хизмат қилмоқда.

Тадқимотда оммавий спорт, этносспорт ва гимнастикани ривожлантириш бўйича тақлифлар кўриб чиқилди.

Хусусан, “Беш ташаббус олимпиадаси”даги спорт турлари сонини 9 тайдан 12 гагача кўпайтириш ҳамда илк бор ноғиронлиги бўлган шахслар ўртасида ҳам 5 та йўналишда ўтказиш тақлиф қилинмоқда. Ҳар йили Наврўз байрами арафасида Сурхондарёда ўтказиб келинаётган халқоравандозлар мусобақасини юртимизнинг бошқа худудларида ҳам ташкил қилиш мўлжалланмоқда. Ўққурашлар бўйича салоҳиятни тўғри йўналтириш мақсадида

барча спорт мактабларида қўл жанги тўғаракларини очиш белгиламоқда. Маълумки, 2022 йил 25 майда Президентнинг “Этноспорт турларини оммалаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган. Унда, жумладан, Хива шаҳрида ҳар икки йилда бир марта Халқаро этносспорт фестивали ўтказилиши белгилашган.

Илк фестивални жорий йил 7 — 10 сентябрь кунлари Ичан қалъада ўтказиш режалаштирилмоқда. Унинг доирасида халқ ўйинлари ва спорт мусобақалари, ҳунармандчилик кўргазмалари, қовун сайли, ош пишириш чемпионати, сахналаштирилган дастурлар бўлиб ўтади.

Давлатимиз раҳбари фестивалга юқори даражада тайёрлик кўриши, иштироки билан туристларга барча қўлайликларни яратиши, Хива шаҳрида “Халқаро этносфестиваль боғи”ни ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берди.

Президентимизнинг 2022 йил 23 декабрдаги қарорига мувофиқ, гимнастика спорт турларини ривожлантириш борасида ҳам кўп ишлар қилинмоқда. Хусусан, Нукус, Самарқанд ва Фарғона шаҳарларида Гимнастика спорт турларига тайёрлаш марказлари ташкил этилмоқда. Улар иختисослаштирилган спорт-таълим муассасаси ҳисобланади, битирувчиларга мурраббий ва селекционер мутахассислиги бўйича диплом берилади. Ҳозирда марказлар учун бинолар қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлашга доир лойиҳалар ишланмоқда. Мазкур спорт муассасалари 2024/2025 ўқув йилидан фаолият бошлайди.

Давлатимиз раҳбари бу марказларда спортчиларни тайёрлашга оид энг илгор услубларни жорий этиш, диетологияни ривожлантириш, ўқувчиларнинг қатновига қўлайлик яратиш зарурлигини таъкидлади.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил 31 январда қабул қилинган
Сенат томонидан 2023 йил 22 июнда маъқулланган

Кейинги йилларда республикада наркологик касалликлар профилактикаси, уларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш, наркологик касалликларга чалинган шахсларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилишни ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Наркологик касалликларга чалинган шахслар томонидан фуқаролар ҳавфсизлиги ва соғлиғига таҳдид қилиниши, жамоат тартиби бузилиши, ҳуқуқбузарликлар содир этилиши ҳолларининг барвақт олдини олиш мақсадида мазкур шахсларни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги материалларни расмийлаштириш ваколати берилишини, шунингдек мазкур материалларни тайёрлаш тартиби белгиланишини назарда тутувчи тегишли ўзгартишлар киритилмоқда. Шу билан бирга клиник текширувлар наркология диспансерлари билан бир қаторда тегишли мутахассислар мавжуд бўлган бошқа тиббиёт муассасаларида ҳам ўтказилиши мумкинлиги белгиланмоқда.

Шу муносабат билан «Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ички ишлар органларига наркологик касалликларга чалинган шахсларни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги материалларни расмийлаштириш ваколати берилишини, шунингдек мазкур материалларни тайёрлаш тартиби белгиланишини назарда тутувчи тегишли ўзгартишлар киритилмоқда. Шу билан бирга клиник текширувлар наркология диспансерлари билан бир қаторда тегишли мутахассислар мавжуд бўлган бошқа тиббиёт муассасаларида ҳам ўтказилиши мумкинлиги белгиланмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Биз ва жаҳон

ЎЗБЕКИСТОННИНГ КЕЙИНГИ ЕТТИ ЙИЛДАГИ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

РОССИЯ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Россиянинг “Регионы России” журналида “Шавкат Мирзиёев — Ўзбекистон очиклик йўлида етти йил” сарлавҳали мақола чоп этилди.

Нашрда Шавкат Мирзиёев Президентликка сайланган дастлабки кунлариданоқ мамлакат ташқи сибосатини фаоллаштиригани ва бу Ўзбекистоннинг халқоро майдондаги нуфузини кескин оширгани қайд этилган.

“У раҳбари туфайли бугунги кунда Ўзбекистон Россия, Хитой, АҚШ, Европа Иттифоқи, Туркия ва бошқа давлатлар билан мустаҳкам шериклик муносабатларига эга, — деб ёзади муҳбир. — Биргина 2021 йилнинг ўзида Ўзбекистоннинг араб дунёси давлатлари билан товар айирбошлаш ҳажми 1,8 миллиард долларни ташкил этди. Араб мамлакатларига товар экспорти 25 фоизга ўсиб, 1,2 миллиард долларга етди, импорт эса 3 фоизга қамайди. Республика олтин, пахта, мева-сабзавот, тўқимачилик, кимё маҳсулотлари ва металлларни фаол экспорт қилмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев қарийб 30 йиллик музокаралардан сўн Қирғизистон билан чегара масаласини тўлиқ ҳал этишга, мавжуд тушунмов-

чиликларни бартараф қилишга муваффақ бўлди”. Мақолада қайд этилишича, Ўзбекистон етакчиси фаолияти натижалари қаторига транспорт тармоғи, энергетика, сув таъминоти, уй-жой қурилиши ва бошқа соҳаларни ривожлантиришга қаратилган турли инфратузилма лойиҳаларини ҳам киритиш мумкин. Хусусан, Ўзбекистонда кўплаб йўللار қурилди, аэропортлар, электр тармоқлари, гидроэлектр станциялари модернизация қилинди.

Мақола интиҳосида Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Ўзбекистон гуллаб-яшнагани, замонавий инфратузилма яратилгани, дунё бўйлаб кўплаб иттифоқчи ва ҳамкорларга эга бўлгани алоҳида таъкидланган. “Албатта, ҳали қилинадиган ишлар жуда кўп. Лекин мамлакат раҳбарининг унинг ривожига қўшган ҳиссаси аллақачон кўзга ташланмоқда”, деб ёзади “Регионы России” муҳбири.

«Дунё» АА. Москва

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталарида

МУСТАҚИЛЛИК — ЁШЛАР НИГОҲИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, Ёшлар масалалари бўйича комиссия ҳамда Ёшлар парламенти ҳамкорлигида “Мустақиллик — ёшлар нигоҳида” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда қўли палата депутатлари, Ёшлар парламенти аъзолари, Ёшлар ишлари агентлиги ва Ёшлар иттифоқи вакиллари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.

Тадбирда мустақиллик шарофати билан ёшларга яратиб берилаётган кенг имкониятлар, айниқса, сўнгги олти-етти йилда ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш, таълим олиши, касб-хунар эгаллаши, оرز-истакларини рўёбга чиқариш, иқтисодий йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида яратилган шарт-шароитлар ҳақида сўз юритилди.

Мустақиллик тақдим этган тенгсиз имкониятлар туфайли кўплаб навқирон истеъдодлар кашф қилинган, сўнгги йилларда

➡

КўП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ КўРИБ ЧИҚИЛДИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси, Шимолӣ Македония ташқи ишлар вазири Буяр Османини қабул қилди.

Мулоқот

Ўзбекистон билан ЕХХТ ўртасидаги, жумладан, парламентларо алоқалар, гендер тенглиги, инсон ҳуқуқлари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор раванг топтиришга эришиш каби йўналишлардаги кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Кейинги йилларда ЕХХТ билан шериклик сезиларли даражада фаоллашди ва

мунафақиятчи удаланаётгани алоҳида қайд этилди. Қолаверса, 2022 йилда биринчи марта ЕХХТ ПА доирасида Ўзбекистон ва Қозғистон ташаббуси билан “ЕХХТнинг БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш” резолюцияси қабул қилинди. Унда БРМни баҳарлаш, инклюзивлигини кучайтириш ва гендер тенглигини таъминлаш бўйича аниқ тавсиялар мавжуд.

Шу нуқтаи назардан, учрашувда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парламент Ассамблеяси доирасидаги ҳамкорликни кенгайтириш масалаларида алоҳида эътибор қаратилди.

Айни чоғда “яшил” иқтисодиёт ва иқлим ўзгаришига қарши курашиш, гендер тенглиги масалалари бўйича ўзаро ҳамкорликни кучайтириш, одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича қўшма чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан фикр алмашилди.

Буяр Османни Ўзбекистонда кечаётган демократик янгиланишлар ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнини изчил қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳамкорликни ривожлантиришга ўз хиссасини қўшишга тайёр эканлигини билдирди.

«Халқ сўзи».

МУАММОЛАРНИ ТИЗИМЛИ ҲАЛ ЭТИШ ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИДА

Президентимизнинг Фарғона вилоятига ташрифи доирасида худудни ҳар томонлама ривожлантириш борасидаги ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилган эди.

Ўрганиш

Айтиш жоизки, вилоятнинг туман ва шаҳарларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан белгиланган вазифалар инзоси устидан таъсирчан парламент назорати йўлга қўйилди. Шу мақсадда тузилган Олий Мажлис Сенати Раиси бошчилигидаги сенаторлардан иборат ишчи гуруҳ вилоятнинг Фарғона шаҳри, Риштон, Бағдод, Фуркат, Ташкент, Езёнов ва яна қатор туманларида бўлди.

Хусусан, ишчи гуруҳ аъзолари Фарғона шаҳри ва Езёнов туманидаги “Янги Ўзбекистон” массивларидаги кўп қаватли уйлар, ижтимоий соҳа

муассасалари ва бошқа муҳандислик-инфратузилма объектлари қурилишининг бориши билан таниди.

Бу жараёнда бунёдкорлик ишлари сифати, уларнинг белгиланган муддатда бажарилишига доир сазй-ҳаракатларга алоҳида эътибор қаратилди. Қурилиш ташкилотлари раҳбарлари билан мулоқотлар ўтказилиб, уларни қийнаётган муаммолар парламент назоратига олингани қайд этилди.

Шунингдек, ишчи гуруҳ Республика шойлинич тиббий ёрдам илмий марказининг Фарғона филиалида янги қурилган 300 ўринли даволаш ва 300 қатновли қабул-ташхис бўлимлари фаолиятини кўздан кечирди. Сенат Раиси марказнинг моддий-

техник таъминоти билан танишар экан, ушбу муассаса фаолиятини янада яхшилаш учун зарур бўлган масалаларга ургу берди. Айни чоғда марказнинг бугунги кунда фаолият кўрсатётган эски биноси капитал таъмирлашга муҳтожлиги таъкидланди ҳамда шу масала юзасидан ишчи гуруҳ томонидан зарурий тақлифлар тайёрланди, амалий ёрдам кўрсатиладиган бўлди.

Ишчи гуруҳ ўрганишлари давом эттириб, Ташкент туманидаги тиббиёт бирлашмасининг 25 ўринли шойлинич тиббий ёрдам, 30 ўринли жарроҳлик, 85 ўринли туғурук ва 35 ўринли терапия бўлимларида бажарилган қурилиш-монтаж ишлари билан таниди.

Бундан ташқари, вилоят аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасидаги ишлар қай ҳолатда эканлигига эътибор қаратилиб, маҳалларда фуқаролар билан учрашувлар ташкил этилди.

➡

СИҲАТ-САЛОМАТЛИК — БҮЮК НЕЪМАТ

Сўнгги йилларда янги Ўзбекистонда барча учун малакали тиббиётни яратиш, соғлиқни сақлаш тизимини аҳолига қўлай тарзда янгиллаш, мамлакатимизни аҳолиси ўртача умр кўриш даражаси юқори бўлган илгор давлатлар қаторига киритиш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Ушбу ислохотлар замирида Шавкат Мирзиёевнинг “Сиҳат-саломатлик ҳар бир инсон, бутун аҳолимиз учун ҳеч нарсаси билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган буюк неъматдир” деган эзгу мақсади мумкин бўлган даражада амалга оширилди.

Тиббиёт

Албатта, касалликни даволашдан кўра, унинг олдини олиш оила учун ҳам, давлат учун ҳам самарали ва фойдалидир. Шу боис мамлакатимизда профилактик тиббиёт ривожига устувор аҳамият қаратилмоқда. Энг аввало, бирламчи тиббиёт бўғинини, тез ва шойлинич тиббий ёрдам тизимини ислоҳ қилиш, янада яхшилашга эътибор қаратилиб, ҳар бир маҳаллада хонадонбай ишлайдиган патронаж хизматини ташкил этиш орқали соғлиқни сақлаш тизимининг аҳолига яқинлашишига эришилди. Биргина 2022 йили жойларда 136 та оилавий шифокорлик пункти ва

оилавий поликлиника ҳамда чекка худудларда 1 мингдан ортик маҳалла тиббиёт пунктлари очилди.

Оилавий шифокорлар томонидан аҳолига бепул тарқатиладиган 70 хилдаги дори-дармон учун маблағлар ҳажми ўтган йиллардагига нисбатан 3 баробар оширилди. Оилавий поликлиникаларда кундузги даволаш ўринлари ташкил этилиши натижасида 740 минг киши шифохонага бормасдан, бевоосита ўзи истиқомат қилаётган маҳаллада муолажа олиш имкониятига эга бўлди.

➡



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Ушбу Қонун наркологик касалликларга чалинган шахсларни мажбурий даволашга юбориш ташаббуси билан чиқадиган шахслар доирасини кенгайтиришга, ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишга ҳамда наркологик ёрдам кўрсатиш сифати ва самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 27 октябрда қабул қилинган «Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида»ги ЎРҚ-644-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 10, 597-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) куйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) 12-модданинг учинчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Тегишли давлат ва оғирлигини, маслаҳат берилишини, ташхис қўйишнинг, шунингдек наркологик касалликларга чалинган шахсларнинг амбулатория ва стационар шароитларда даволанишини ҳамда тиббий-ижтимоий реабилитация қилинишини кафолатлади»;

2) 25-модданинг матни куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Мажбурий даволаш атрофдагиларнинг хавфсизлиги ва оғирлигига таъсир солаётган ёхуд жамоат тартибини, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузаётган, психоактив моддалар таъсиридан мастлик ҳолатида маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этганлик учун бир йил ичида бир мартадан ортқ маъмурий жавобгарликка тортилган ҳамда ушбу Қонунга мувофиқ мажбурий даволашга юборилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилган наркологик касалликка чалинган шахсга нисбатан суднинг қарорига асосан қўлланилади. Бунда мажбурий даволаш диспансер кузатуви остида (диспансер ҳисобида) бўлган ва ихтиёрий даволанишни рад этаётган наркологик касалликка чалинган шахсга нисбатан қўлланилади»;

3) 27-модданинг биринчи қисми куйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

«Наркологик касалликка чалинган шахсни мажбурий даволаш заруриятини аниқлаш билан боғлиқ барча клиник текширувлар наркологик диспансерида, зарур ҳолларда эса тегишли мутахассислар мавжуд бўлган бошқа тиббиёт муассасаларида ўтказилади»;

4) 28-модданинг матни куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Наркологик касалликка чалинган шахсни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги материаллар ички ишлар органлари томонидан наркология муассасаларининг, наркологик касалликка чалинган шахс оила аъзоларининг ёки қариндошларининг илтимосномаларига асосан, шунингдек наркологик касалликка қўшилиши таъминланади ва расмийлаштирилади.

Ички ишлар органлари наркологик касалликка чалинган шахсни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги материалларни тайёрлаш мақсадида мазкур шахсни наркологик экспертизадан ўтказиш учун унинг яшаш жойидаги наркология диспансерига олиб боради.

Ички ишлар органлари наркологик экспертизаларни ўтказиш учун ихтисослаштирилган тиббий комиссиянинг наркологик касалликка чалинган шахсни мажбурий даволаш зарурлиги тўғрисидаги тиббий хулосасини олган, тўпланган материалларни мазкур шахснинг яшаш жойидаги ёки наркология диспансери жойлашган ердаги судга тақдим этади. Мазкур материаллар судга электрон ҳужжат тарзида ҳам юборилиши мумкин».

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳуқуқат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта қўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2023 йил 9 август № ЎРҚ—861

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Адвокатура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3¹-моддасига ўзгартириш киритиш ҳақида

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Шу билан бирга адвокатурага ишга қабул қилиш тартиб-таомилни, шунингдек адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига доир лицензия олиш тартибини соддалаштириш зарурати юзага келмоқда.

Мазкур Қонун билан «Адвокатура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига доир лицензия олиш учун имтиҳон топширишга талабгор шахснинг юридик мутахассислик бўйича камидан икки йиллик иш стажига эга бўлиши тўғрисидаги талаб бекор қилинишини назарда тутувчи ўзгартириш киритилмоқда.

Ушбу Қонун адвокатура соҳасининг жозибдорлигини оширишга ҳамда мазкур соҳага ёш кадрларни ва юридик

мутахассислик бўйича икки йиллик иш стажига эга бўлмаган кадрларни жалб этишининг самарали тизимини яратишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган «Адвокатура тўғрисида»ги 349-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 48-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2008 йил, № 12, 641-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2018 йил, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 1, 3-модда, № 5, 267-модда, № 9, 591-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 8, 787-модда) 3¹-моддасининг

иккинчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин: «Адвокат макомига эга бўлишга талабгор шахс (бундан буён матнда талабгор деб юритилади) лицензия олиш учун адвокатлик тузилмасида (адвокатлик бюросида, адвокатлик фирмасида, адвокатлар ҳайъатида, юридик маслахатхонада) камидан уч ой муддат стажировка ўташи керак ҳамда малака имтиҳонини топшириши шарт».

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳуқуқат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта қўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2023 йил 9 август № ЎРҚ—862

МУАММОЛАРНИ ТИЗИМЛИ ҲАЛ ЭТИШ ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИДА

Хусусан, Тошлоқ туманидаги «Қанжирға» МФИда ўтказилган мулоқотларда маълум бўлдики, маҳалланинг Фурқат, А. Навоий, Ижодкор, Қанжирға, Зулфия ва Ёшлик кўчаларидаги 500 та хонадонда яшовчи 3 миң нафардан ортқ аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланган.

Ўрганишлар давомида маҳаллада амалга оширилган ижобий ишлар билан бирга, ўз ечимини кутаётган муаммолар мавжудлиги ҳам аниқланди. Масалан, маҳалла ҳудудиде ўрнатилган янги электр узатиш устунларига қўпдан бўён электр симлари тортилмаган. Эътиборлиси, ишчи гуруҳ аралашуви билан масала ҳал этилиб, шу куннинг ўзида электр тармоқларини тортиш юмушлари бошлаб юборилди.

Ишчи гуруҳ вилоятнинг Риштон, Бағдоод, Фурқат, Фарғона туманларида ҳам бўлди. Маҳаллалардаги бешик фаолияти, аҳоли турмуш шароити, таълим муассасалари, тиббиёт масканлари каби ижтимоий объектлардаги шарт-шароитлар қўздан кечирилди. Ҳудудда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари вакиллари билан учрашув ўтказилиб, уларни қийнаб келаётган муаммолар таҳлил қилинди.

Ишчи гуруҳ янги ўқув йили олдида вилоят таълим муассасаларидаги шарт-шароитлар ва уларни қуз-қиш мавсумига тайёрлаш борасидаги ишларни ҳам ўрганди.

Жумладан, Бағдоод туманидаги 38 ва 31-муам таълим мактабларида амалга оширилаётган курилиш-таъмирлаш жараёнига ҳам эътибор қаратилди. Ўрганиш давомида «Богшамол» МФИда жойлашган мазкур таълим муассасаларидаги курилиш-таъмирлаш ишлари учун лойиҳа-сметада қўзда тутилган маблаглар вақтида ажратилмаганлиги аниқланди ва муаммо жойида ҳал қилинди.

Сўнгра Тошлоқ туманидаги 10-муамтаълим мактабиде амалга оширилаётган курилиш-таъмирлаш ишлари доирасида мактабни қуз-қиш мавсумига тайёрлаш, хусусан, иситиш тизимини янгилаш бўйича бажарилган ишлар ҳолати таҳлилдан ўтказилди.

Ўрганишлар доирасида ишчи гуруҳ томонидан хунарманд ва тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказилди. Мулоқотлар чоғида ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга хизмат қилувчи тақлифлар олинди, ўрганиб чиқиладиган бўлди.

Шундан сўн ўрганишлар яқуни юзасидан вилоят ҳокимлигида ўтказилган йиғилишда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг барча жараёнида маҳаллий Кенгаш депутатлари фаол иштирок этиши кераклиги алоҳида айтиб ўтилди. Айни чоғда мавжуд муаммоларни тизимли ҳал этиш, вазифаларни ўз вақтида бажариш бўйича вилоят, туман (шаҳар) ҳокимликлари масъуллари, вазирлик ва идоралар ҳудудий бошқармалари раҳбарларига тегишли тавсия ва тақлифлар берилди.

«Халқ сўзи».

МУСТАҚИЛЛИК — ЁШЛАР НИГОҲИДА

Ярим йиллик фаолият сарҳисоб қилинди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмиталари ҳамда Ёшлар масалалари бўйича ярим йилликдаги фаолияти яқунла-

ри сарҳисобига бағишланган брифинг ўтказилди.

Таъкидланганидек, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳисобот даврида қонун ижодкорлиги фаолияти йўналишида жами 6 та қонун лойиҳасига масъул бўлди. Шундан 4 таси қабул қилинган бўлса, 1 таси ташаббускор субъект бўлган Вазирлар Маҳкамасига қайтарилди, 1 таси Қонун-

чилик палатасида иккинчи ўқишда қўриб чиқилмоқда.

Ўтган даврда жойлардаги тизимли муаммолар бўйича фуқаролардан келиб тушган мурожаатларни ўз вақтида ўрганиш ва ҳал этиш бора-сида ҳам муайян ишлар қилинди. Хусусан, жисмоний ва юридик шахслардан қўмига номига келган жами 297 та мурожаатдан 203 тасига ижобий ечим топишга эришилди.

Ҳисобот даврида Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси 1 та кодекс, 2 та қонун лойиҳасига масъул бўлди. Бугунги кунда 2 та қонун лойиҳаси иккинчи ўқиш муҳокамага тайёрланмоқда. Шунингдек, қўмига томонидан 6 та назорат-таҳлил тадбири ўтказилиб, шундан 3 таси давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳ-

барларининг ахборотини эшитишга, 2 таси қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолатини ўрганишга, 1 таси қўмига қарори ижросини мониторинг қилишга тааллуқлидир. Ҳисобот даврида қўмига номига келиб тушган 324 та мурожаат қонунларда белгиланган тартибда қўриб чиқилган ҳолда улардан 287 тасига ижобий ечим топилиди. Эътиборлиси, қўмига келиб тушган мурожаатлар орқали фуқаролардан 10 та қонун ҳужжати тағйиши ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан тақлифлар билдирилди.

«Халқ сўзи».

БИТИРУВЧИЛАРНИНГ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ҚАНДАЙ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмиталари ҳамда Ёшлар масалалари бўйича комиссиянинг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

Эшитув

Унда Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг «Битирувчи талаба ёшларнинг бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида»ги ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда таълим тизимини тубдан ўзгартириш, уни халқаро стандартларга интеграциялаш, меҳнат бозори талабига мос юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Ортимида таълим тизимини комплекс ривожлантириш, малакали кадрлар тайёрлаш, битирувчи талаба ёшларнинг бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, ёшларнинг олий таълим олишига қатта шароитлар яратиб берилганлиги туфайли олий таълим муассасалари сони 2,5 баробарга ортиб, 200 тага етди. Олий таълимда рақобатни қўллаб-қувватлаш ва хусусий секторни жалб қилиш орқали 24 та хорижий ҳамда 27 та нодавлат олийгоҳлар ташкил этилди. Шу асосда ёшларнинг олий таълим билан қамров

даражаси 9 фоиздан 38 фоизга оширилди.

Ҳар йили мамлакатимизда 200 миңдан зиёд ёшлар олий таълим муассасаларини тугатиб Ўзбекистон меҳнат бозорига кириб келади. Уларнинг бандлигини таъминлаш, мутахассислигини келтириб чиқиб, иш ўринлари яратиш ҳозирги устувор вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Президентимиз раҳбарлигида 2022 йил март ойида олий таълим муассасалари талабалари бандлигини таъминлаш бўйича бўлиб ўтган йиғилиш баёнида олий таълим муассасаларида тахсил олаётган ишлар ва қўшимча даромад топишга эътиёжи бор жами 100 миң нафарга яқин талабаларни ишга жалб этиш вазифаси белгиланган.

Ўтган даврда ушбу вазирлар ижросини таъминлаш борасида салмоқли ишлар қилинди. Бугунги кунда олий таълим муассасаларида тахсил олаётган талабаларнинг 110,1 миңга яқини иқтисодиётнинг расмий секториде ўқидан ташқари иш билан банд. Уларнинг 66,3 миң нафари давлат секториде, 44,5 миң нафари эса ху-



сусий тармоқларда фаолият юритилмоқда.

Ахборотда келтирилганидек, олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда тахсил олаётган талабаларга иш топишлари учун қўлай имконият яратиш мақсадида таълим муассасаларида «Карьера маркази» фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу марказлар томонидан талабалар бандлигига қўмақлашиш борасида қатор ишлар уддаланмоқда.

Ҳозирги кунда республика бўйича жами 103 та олий таълим муассасасида «Карьера маркази» ташкил этилган бўлиб, жорий йилнинг ўтган даврида 154,8 миң нафар талаба ушбу марказларга мурожаат қилган. Шундан 110,5 миң нафари бакалаврият ва 44,6 миң нафари магистр ҳамда бошқа йўналишларда ўқитган талабалардир. Шунингдек, битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш Камбағалликни қисқарттириш

ва бандлик вазирлигининг миллий вакансиялар базасида (ish.mehnat.uz) «Талабалар учун иш» алоҳида функционал жорий этилди. Бунда иш берувчилар ўзлариде талабаларга мос бўш иш ўринларини эълон қилиши, ишлаш истagini билдирган талабалар ўзлари тўғрисидаги маълумотни (резюме) ушбу порталга жойлаштириш имконияти мавжуд.

Битирувчиларнинг бандлик ҳолатини доимий мониторинг бандлигига қўмақлашиш мақсадида Камбағалликни қисқарттириш ва бандлик вазирлигининг «Бандлик хизмати» ахборот тизими билан Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг «Hemies.uz» ахборот тизими интеграция қилинди. Бунинг натижасида «Бандлик хизмати» АТда битирувчиларнинг манзилли рўйхатлари, йўналишлар ва ҳудудлар кесими-

да уларнинг бандлик ҳолати бўйича ҳисоботлар йўлга қўйилди. 2023 йилда олий таълим муассасаларини битирган 157,5 миң нафар битирувчиларнинг бандлигига қўмақлашиш бўйича тегишли ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик қилинмоқда. Хусусан, Камбағалликни қисқарттириш ва бандлик, Олий таълим, фан ва инновациялар, Мактабгача ва мактаб таълими вазирликлари ҳамда Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг ҳудудий бошқармалари билан ҳамкорликда «Ёшлар бандлиги дастурлари» ишлаб чиқилиб тасдиқланди.

Қайд этилганидек, жорий йилнинг май ойи ҳолатига талабаларнинг ишлашга эътиёжи булган жами 106 миң 729 нафари ишга жойлаштирилган. Уларнинг 3 миң 525 нафарини чин етим, ногиронлиги бўлган ҳамда ижтимоий ҳимоя реестридаги дафтларга киритилган талабалар ташкил этади.

Кизгин муҳокама билан бўлган йиғилишда депутатлар битирувчилар бандлигини таъминлаш бўйича бир қатор тавсияларни илгари сурди. Шунингдек, бу борада мавжуд қонунчиликни такомиллаштириш, аҳолини ишла қилиш борасида олиб борилаётган сайё-ҳаракатлар устидан самарали парламент назоратини таъминлашга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

СИҲАТ-САЛОМАТЛИК — БУЮК НЕЪМАТ

←1 Юқори малака ва технологиялар талаб қиладиган тиббий хизматлар кўлами ҳам кенгаймоқда. Хусусан, 23 та ихтисослаштирилган тиббиёт марказининг ҳудудларда юздан ортқ филиаллари фаолият бошлади. Натихада илгари пойтахтда амалга оширилган 200 турдаги операция ва тахшислар маҳаллий шифохоналарда ўтказилишига имконият яратилди. Биринчи марта 130 дан зиёд турдаги жарроҳлик амалиётлари вилоят шифохоналарида, 60 тури эса туманларда йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, юртимизда юқори технология операциялар ўтказишга эътибор кучайтирилди. Масалан, 16,2 минг нафар бемордан 3,2 минг нафарига худудларнинг ўзида юқори технологияли операциялар ўтказилди. Натихада пойтахтга келиб даволаниш 22 фоизга қисқарди. Юрак тўғма нуқсонли беморларга жами 2,5 мингга оқлюдер жиҳози имплантацияси амалиёти бажарилди, шундан 500 таси вилоят даражасида удаланди. Мамлакатимизда буйрак ва жигар кўчириб ўтказиш каби юқори технологияли операциялар, ҳатто туманларда ҳам муваффақиятли бажарилмоқда.

2016 — 2022 йилларда Давлат бюджетидан соғлиқни сақлаш тизими учун ажратилаётган маблағлар қарийб 4 баробар ошди. Шифохоналар ва тез тиббий ёрдам пунктларини дори-дармон, тиббиёт буюмлари билан таъминлашга ажратилаётган маблағлар 12 баробар кўпайтирилди. 2021 йилдан бошлаб, бирламчи бўлинча аҳолини 66 турдаги дори воситалари билан бепул таъминлаш йўлга қўйилди. Энг муҳими, кўрилатган чоралар натижада аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлиги 73 ёшдан ошишига эришилди. Келгусида ушбу кўрсаткични 78 ёшга етказиш вазифаси қўйилди.

Бу борадаги ислохотларни сифат жиҳатдан янги bosқичга чиқариш учун Президентимиз томонидан устувор вазибалар белгиланмоқда. Биринчидан, аҳоли ўртасида ихтимолий аҳамиятга молик касалликларни барвақт аниқлаш ва улар билан касалланиш кўрсаткичларини кескин камайтириш чораларини кўриш. Шу мақсадда 2030 йилга қадар оналар ва болалар ўлими, болалар ўртасида ирсий касалликларни камида 2 баробар қисқартириш, онкологик, юрак-қон томир, диабет, нафас йўллари ва юқумли касалликлар бўйича эрта ўлими эса 2,5 баробар камайтириш соҳадаги энг асосий вазибалардан бири бўлади. Сил билан касалланиш даражасини кескин ка-



Зосир РИЗАЕВ,
Самарқанд давлат тиббиёт университети ректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

майитириш учун зарур имкониятлар ишга солинади, жигар циррозига олиб келувчи "Гепатит С" касаллигини 100 фоиз давлат ҳисобидан даволаш йўлга қўйилади.

Иккинчидан, 2030 йилга қадар тиббиётга бюджетдан ажратиладиган йиллик маблағ ҳажминини 2 карра ошириб, 6 млрд. АҚШ долларига етказиш ва аҳолини кафолатланган тиббий хизмат билан қамраб олиш даражасини янада кенгайтириш. Бу йўналишда 2024 йилдан бирламчи бўлинча орқали энг кўп учрайдиган 10 та касалликни даволаш ва 6 та тиббий хизматдан иборат кафолатланган тиббий пакетни аҳолига бепул тақдим қилиш бўйича зарур чоралар кўриш, туғиш ёшидаги ва ҳромилдор аёллар, болаларга 7 турдаги витаминлар, йод ва фолий кислотасини бепул тарқатиш ишларини давом эттириш кўзда тутилмоқда. Айни чоғда, 350 минг диабет, 1,5 млн. юрак-қон томир касаллиги бор беморларни даволаш билан тўлиқ қамраб олиш, ҳар йили юрак нуқсонли бор 5 минг болани ва кўриш қобилиятини йўқотиш эҳтимоли юқори бўлган 10 минг чақалон бепул даволаш, соғлиқни сақлаш тизимини тўлиқ рақамлаштириш ва тиббий сўғурта тизимини жорий этиш назарда тутилган.

Учинчидан, онкологик беморлар даволаниши ва соғайиб кетиши учун зарур шартлар яратиб, уларнинг ода-ти хайта қайтишига қўмаклашиш масаласи ўрганилмоқда. Маълумки, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш ва ўзгартириш 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва 2018 йилда тасдиқланган 2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш

тизимини ривожлантириш концепциясига мувофиқ амалга оширилмоқда. Соғлиқни сақлаш ва ихтимолий хизматлар соҳасида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотларнинг умумий сони 2022 йилда 2017 йилдагига нисбатан 1,8 баробар ўсди ва 10547 тани ташкил этмоқда. 2017 йилда хусусий тиббиёт муассасалари сони 4 мингга етган бўлса, бугун эса уларнинг сони 7320 та. Натихада кўрсатилмаётган соғлиқни сақлаш хизматларининг умумий ҳажми 3,8 мартаба ошди.

Муҳими, бу ислохотлар натижасида аҳоли ўртасида янги касалланиш ҳолатлари камайгани кузатилмоқда. Хусусан, сил касаллиги (ҳар 100 минг кишига) 2017 йилдаги 44,9 нафардан 2022 йилда 35,9 нафаргача, "Гепатит Б" (ҳар 100 минг кишига) 2017 йилдаги 0,8 нафардан 2021 йилда 0,3 нафаргача камайган. Аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлиги 2017 йилдаги 73,7 ёшдан 2021 йилда 73,8 ёшга кўтарилган.

Ўзбекистонда тиббиёт туризми ҳам йил сайин жадал ривожланаётган йўналишлардан. Агар 2017 йилда Ўзбекистонга даволаниш мақсадида келган сайёҳлар сони 28 минг 705 нафарни ташкил этган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткич салкам 70 минг нафарга етди.

Гап фақат рақамларда эмас. Соҳага сармою жалб қилиш, тиббий хизмат сифатини оширишга ёрдам берадиган шерикликнинг янги шакллари ривожлантириш ҳам устувор вазибалардан. Бу борада Ўзбекистон томони инвестор ва тадбиркорларга қатор лойиҳалари тақдир қилмоқда. Жумладан, туман ва шаҳарлардаги 170 та тиббиёт бино ва ишоотлари ер майдонини бирлашмасининг лаборатория хизматлари аутсорсингга чиқарилади. Республика бўйича 14 та туғуруқ мажмуаси бино ва ишоотлари ер майдонини бирлашмасининг қўмақлари берилди. Жорий йил 11 ҳудудда гемодиализ хизмати давлат-хусусий шериклик асосида тадбиркорларга ўтади. ДХШ йўли билан ҳар бир ҳудудда 1000 — 1500 ўринли кўп тармоқли шифохоналар барпо этилади.

Ўтган давр мобайнида тизимдаги энг катта ўзгаришлардан бири, бу

давлат шифохоналари билан бирга хусусий тиббиётнинг ривожланиши бўлди. Авваллари хусусий тиббиёт фақат стоматология хизмати билан чекланган эди, ҳозирда эса хусусий клиникалар деярли барча йўналишда фаолият юритиб келмоқда. Жумладан, давлат раҳбарининг тегишли қарорлари билан хусусий тиббиёт ташкилотларига 129 та тиббий ихтисослик бўйича лицензия олишига имконият берилди. Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шерикликнинг ҳуқуқи асослари яратилди, айниқса, чет эл инвестицияларини жалб этиши кенгайтириш, аҳолининг юқори технология тиббий хизматлар ва ускуналардан фойдаланиш имкониятларини оширишда нод-

ўтган форумда халқаро эксперт ва мутахассислар мамлакатимизнинг тиббиёт соҳасидagi ютуқларини кенг эътироф этди. "Генетика йўналиши соғлом генофонд шаклланишида жуда муҳим ўрин тутди, — деди Исроил тиббиёт маркази асосчиси Ярон Гойнман. — Ўзбекистонда сўнгги йилларда бу соҳага алоҳида эътибор қаратилаётгани тахсинга сазовор. Масалан, шу йил майдойда Соғлиқни сақлаш вазирлиги делегациясининг АҚШга ташрифи доирасида Гарвард геномика маркази билан тиббий генетика бўйича ҳамкорлик қилиши келишиб олинди".

Экспертнинг таъкидлашича, келажакда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон геном кенга-

Германиянинг "KfW" банки иштирокидаги қўймати 45 млн. еврога тенг "Соғлиқни сақлаш тизимида рақамли технологияларни жорий этиш" лойиҳаси шулاردан биридир. Жанубий Кореянинг "EDCF" жағмармаси иштирокида ҳам умумий қўймати қарийб 400 млн. долларлик 4 та йирик лойиҳа рўёбга чиқарилмоқда.

Бундан ташқари, Ислон тараққиёт банки қўмағида қўймати 80 млн. долларлик "Ўзбекистон Республикаси онкология хизмати муассасаларини замонавий юқори технологияли ускуналар билан жиҳозлаш (2-босқич)" лойиҳаси ҳамда Марказий Осиёда ягона бўлган 650 ўринли ва 500 қатновга мўлжалланган маслҳат поликлиникасидан иборат Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг янги биноси бунёд этилмоқда.

Тиббиёт тизимидagi ютуқлардан яна бири — давлат тиббиёт ташкилотларининг вазибаларини bosқичма-bosқич хусусий секторга ўтказиш бўйича олиб борилаётган ишлардир. Яни хусусий секторнинг тиббий хизматлардаги улушини ҳозирги 20 фоиздан 2030 йилда 60 фоизга етказиш ҳамда кафолатланган тиббий хизматлар ҳамда доирасида тиббий хизматларни хусусий сектордан сотиб олишни йўлга қўйиш режалаштирилган.

Шу ўринда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда нега хусусий тиббиётга таяниш керак, деган савол туғилиши табиий. Бунга сабаб, тизимга хусусий секторнинг кириб келиши соғлом рақобат муҳитини яратди, тиббий хизмат сифатини оширди ҳамда давлат муассасаларида иш юкларини камайитириш орқали бюджет маблағларининг тежаллашига олиб келди. Хусусий тиббиёт муассасалари сони-нинг кўпайиши билан аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати янада кўтарилди, рақобатнинг шаклланиши натижасида юқори тиббиёт технологияларидан фойдаланиш кўлами ошиши, шунингдек, нархларнинг арзонлашиши юз беради.



Абдумутталиб ТОЙРИВ олган суратлар.

лат сектор иштирокини рағбатлантириш белгиланди. Хусусий тиббиёт муассасаларида трансплантология каби мураккаб жарроҳлик амалиётини ўтказишга рухсат берилди, "Ҳамширалик иши" ва "Мобил тиббиёт"ни ташкил этиш учун шарт-шароитлар яратилди. Натихада хусусий тиббиёт ташкилотлари сони 3 мингдан 8,5 мингга, уларнинг ихтисослиги бўйича бериладиган лицензиялар тури 50 тадан 129 тага етказилди.

Шу йил 5 июль куни "Янги Ўзбекистон: тараққиёт, инновация ва маърифат" халқаро шериклик ташаббуслари хафталиги доирасида хорижий ва маҳаллий экспертлар иштирокида бўлиб

ши ва Геном тадқиқотлар миллий институтини ташкил этиш мақсад қилинган. Айни вақтда ҳукумат қафолати остида умумий қўймати 877 млн. доллари ташкил қилувчи 11 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилади.

Хулоса ўрнида айтганда, мамлакат тиббиётининг келажаги хусусий секторнинг ривожини билан бевосита боғлиқ. Шу боис ҳам соҳадаги ислохотларни янада кенг қўламада давом эттириш давр талаби. Зеро, Президент Шавкат Мирзиёев 2022 йилнинг 18 март куни тиббиёт ҳодимлари билан бўлиб ўтган очик мулоқот чоғида таъкидлаганидек, "Хусусий клиникалардаги шароит ва кўрсатилмаётган хизматлар сифати давлат шифохоналаридан анча олдинда ва бундан фақат хурсанд бўлишимиз керак".

Бинобарин, Президентимиз бошчилигида тиббиёт тизимида олиб борилаётган ислохотлар эса халқимизни бугундан рози қилиш, эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлашдек эзгу мақсадга хизмат қилади.

Интилиш

Олтиариқ тажрибаси асосида узумзорлар барпо этилади

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 27-28 июль кунлари Фарғона вилоятига ташрифи чоғида узумчилик соҳасини ривожлантириш бўйича Олтиариқ тажрибасини мамлакатимиз бўйлаб омдалаштириш борасида берилган топшириқига бйноан Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманида ҳам амалий ишларга киришилди.



Олтинсой тумани, асосан, узумчиликка ихтисослаштирилган бўлиб, 2026 йилгача лалми ва яйлов ерларни ўзлаштириш ҳисобига 3 минг 119 гектар майдонда янги узумзорлар барпо этилади.

Олтиариқ тажрибаси асосида 1 минг гектар майдонда узумзор ташкил қилишга киришганмиз, — дейди "Олтинсой коттон кластер" масъуляти чекланган жамияти раҳбари Шохжаҳон Саидов. — Биринчи босқичда 500 гектар майдонда тоқсонлар барпо этилади. Лойиҳанинг умумий қўймати 102 млрд. сўм бўлиб, йилига 15 минг тонна узум етиштирилади. Уч миллион долларлик маҳсулот хорижа экспорт қилинади.

Сурхондарё вилоятида 2023 — 2026 йилларда янги ўзлаштириладиган лалми ва яйлов ерлар ҳисобидан 11 минг 687 гектар майдонда янги серхосил узумзорлар ташкил этиш кўзда тутилган. Узум плантациялари ҳар бир фуқарога 50 сотихдан деҳқон ҳўжалиги шаклида бириктириб берилади. Натихада 23 мингдан зиёд фуқаролар иш билан таъминланади.

Таъкидлаш жоизки, узумчиликка қаратилаётган эътибор юртимиз аҳолисининг ушбу маҳсулотга бўлган эҳтиёжини қондириш билан бирга иқтисодиётимизни барқарор ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Илҳом РАҲМАТОВ
(«Халқ сўзи»).

УЙҒОНМОҚ ВАҚТИ

Китобхонлар билан учрашуларда машҳур адиб Чингиз Айтматовга "Сизнинг журналист сифатидаги фаолиятингиз бадий асарлар ёзишингизга ҳалақат бермайдими?" деган саволни кўп бор беришарди. Адиб бу саволларга ҳамиша "Йўқ, аксинча ёрдам беради", деб жавоб қайтарган. Чунки ихтимолий-бадий публицистика ҳаётнинг бир қарашида кўз илғамас жиҳатларини ўрганиш, одамларнинг туриш-турмушидаги яхши-ёмон ҳолатларини кузатиш ва тегишли хулосалар чиқариш билан шугулланади. Бу кузатув кейинчалик йирик бадий асарларга хамиртуруш бўлиши мумкин. Чингиз Айтматов асарларининг фавқуллодда ҳаётийлиги ва таъсирчанлигининг боиси ҳам шунда. У муҳбир сифатида юрт кезар экан, турфа хил тақдир эгалари билан суҳбат қуради, теран маъмули мақолалар ёзади. Публицистик чиқишларида жамият ҳаётининг деярли барча соҳасига тааллуқли муаммоларни дадиллик билан қаламга олади.

Мутлола

Журналистикага оид сабоқларим-да талабалардан: "Тасаввур қилинг — саробатли тоғлар пойидасиз. Арча, қарағай, оқжайин, терақлар тоғ чўққисида интилаётгандай бўй чўзишган. Ям-ашил майса белга уради, шамолда нафис тебранади. Тоғ гуллари бир-бирлари билан ранг талашаётгандай. Шу ердан ўтиб бораётган дурадгор, чорвадор, рассом ёки иходкор нимани кўради?", деб сўрайман. Жавоблар ҳар хил бўлади.

Табиийки, дурадгор баравж ўсаётган дарахларни кесиб, улардан ўй жиҳозлари яшаш ҳақида ўйлайди. Чорвадорнинг хайлига шу ўтлоқда қўй-сигир боқиб семиртириш келади. Рассом бу ноёб манзарага ошқ бўлади. Иходкор шу уч касб эгаси нимани кўрган бўлса ҳаммасини, бунга қўшимча табиат гўзаллигини бирва-рақайига кўра олади.

Таникли шоир Ғайрат Мажиднинг "Йўлдаман, нурли йўлда" сарлавҳали бадий-публицистик тўплами муқова-сидаги "Тоғлар сари йўллар туман ҳамиша, Баҳор келса олам чаман ҳамиша. Бобом айтар эди, виждон бу — элди, Иймон деганлари Ватан ҳамиша" сатрларини ўқир эканман, шу сабоқлар ёдимга тушди. Китобга муҳаррирлик қилган Орузкул Эргаш мен айтишим зарур бўлган фикрни айтиб қўйибди: "Публицистик асарни уйда ўтириб ёзиб бўлмайди". Ҳа, бунинг учун юрт кезишинг, сал нарироқда, ундан узокроқда не ҳолат, не ташвишлигини англашинг, ўзинг бевосита гувоҳ бўлган воқеа-ҳодисалар моҳиятини бир-бирига қиёслашинг, одамлар билан мулоқотда бўлиб, фик-

рингини тиниклаштиришинг керак. Бу жараён сени иходкор сифатида фикрий юксакликка кўтарди, тарбиялайди, турли эришлишларга адолатли муносабат билдириш имконини юзага келтиради. Бу имконият қалам соҳибини шу мураккаб жараёнларнинг фаол иштирокчисига айлантиради. Иходкорнинг ёзиғи шу. Бошқа йўл йўқ, Кўрилмаган, ҳис этилмаган нарсалар ҳақида ёзиш вақт ва идрокни беҳуд-сарфлашдан бошқа ҳеч нарсга эмас.

Ғайрат Мажид юрт кезиб, чегара ошиб чарчамайдиган иходкор. Қаерда бўлмасин, бошқалар кўрмаган, кўрган бўлса-да, эътибор бермаган ёки ёнидан бепарво ўтиб кетган нарсаларни ҳам илғайди. Бир курувчи Дустимов Парижда бўлиб қайтган, Эйфель минораси ҳақида шундай ҳикоя қилганди: "Роса мустаҳкам қурилган экан, шунча одам тепасига чиқиб турибми, килт этган йўқ". Ишончимиз қомилки, Ғайратбой Францияга сафар қилса, бу иншоотнинг парижликлар руҳиятига қон, жон янглиғ сингиб кетгани, "Дунё келинчаги" деб аталиши шаҳарнинг маънавий рамзига айлангани ҳақида, албатта, ёзарди.

Фикр куруқ бўлмасин учун муаллимнинг Хиндистон сафарига бағишланган "Хиндистонда Тожмаҳаллар кўп" эссега муружаат қилайлик. Шоир мамлакат миллий музейидек сақланган қадимий қўлёзмаларга қизиқади. Курьоси қаримнинг Шохжаҳон кўчирган нусхасига, Абдураҳим топшириги билан мутаржим Абдураҳим томонидан туркийдан форсчага ўгирилган "Бобурнома"га,

музейнинг ноёб хазинаси бўлиши "Иқболномаи Жаҳонгирий"га, Ҳаким Қандаҳорийнинг "Гули рангин" асарига суқланиб тикилади. Рампур Разо кутубхонасида сақланган "Бобурнома"нинг туркий тилдаги Ҳайдаробод нусхасини, Рашидиддин Хамадонийнинг "Жомеъ ат-таворих" китобини кўриш бахтига муяссар бўлади ва шоир-да, кўнгилдан "Тарих сал бошқачарок айланганида борми, бу ва бошқа хазина-лар ўзимизда бўлармиди?", деган хабл ўтади. Дунёга машҳур Тожмаҳал-да бўлар экан, ҳароратли сатрлар қорғоза тушади:

*Ошиб неча довол, Кўп асарлардан,
Ўйламанг, Ҳинд сори шунчаки елдим,
Бу тои саройлардан, тои қасрлардан
Сизни,
Сизни олиб кетгани келдим...
Кетдик, елдай учиб, Мирзо Хумоюн,
Ватанга кетамиз, юртва кетамиз.*

Тожмаҳалда, Бобур ўз қўли билан яратган боғда бўлган киши бу иншоотлар олдида маънан тиз чўқади, ҳайрат қирдобига фарқ бўлади. Кимдир унинг кўёш нурида товланаётган тиник мармарига мафтун, яна кимдир ноёб нақшлар асри. Қўллар ун эса асосий иш — суратга тушиш. Ғайрат Мажид ўзини йўқотмайди.

*Мудом адолатни хуш кўрган, султон,
Ва Соҳибқиронни туги кўрган, султон,
Дунё — жом, ичини бўш кўрган, султон,
Қўзимга ёш келди "Боғи Бобур" да.*

Ғайрат Мажид Афғонистон сафари хусусидagi сафарномасида ҳам иходкорлик бурчига содиқ қолади. Ҳиротда

Алишер Навоий ва Гавҳаршодбегим қабрларини зиёрат қилар экан, устоз Ойбек асарида улғу бобомизнинг вафоти қандай тасвирлангани ёдига тушади: "Шоҳиларга ўралган тобутни шоир дўстлари... Ҳиротнинг аён ва акобирлари кўтариб чиқдилар. Халқнинг фарёди кўни титратди... Кўндан-кўлга ўтган тобут "Идроҳ"да тўхтади. Шу аснода Хусайн Бойқаро ҳозир бўлди. Жаноза ўқилди..."

Муаллиф не-не алломалар учун армон бўлиб қолган бу сафардан бахтиёрлигини яширмайди. Аллома шоир Ғафур Фуломнинг ҳазрат Навоий қабри пойида тузилган, кўпчилигимизга ёд бўлиб кетган ўтли сатрларини таққорлайди: "Диллим равшанлигини хасосий йўлда қотиб айлалб, Мозоринг бошида таъзим ила турмақда-дурман сархосиб айлалб..."

Шеър туғилади:
*Мен бенаво дилмиа
наво истаб келмишман,
Дарднок, хаста жонимга
даво истаб келмишман...
Сўз чамани ичраким
мусаллоидир бу кўнели,
Дую айлаб, Ҳазратдан,
дую истаб келмишман.*

Тўпладан жой олган "Ибраг мактаби", "Мавлоно Бедил", "Хоразм хайратлари", "Рангларни сўйлатган расом", "Қўнғилима орзулар солган кишлоғим", "Йўлларинг оқ бўлсин тоғлар қорича" бадихаларида бугунги ҳаётнинг реаллигини муҳим қирраларни кўзга ташланади. Ғайрат Мажид гох куюн-чак шоир, гох ўйчан публицист бўлиб, ўқувчини фикр, идрок оламига бошлайди. "Ватан дарсини Ватаниннг ўзидан олган" (Сирожидин Сайид ибораси) шоирнинг кўп сатрлари шеърлий публицистиканинг ёрқин намуна-ларига айланади.

Уаётган йиллар, Ватан тараққиёти, миллат равнақи йўлидаги ҳар улғили қадам, тинчлик-тотувлик шоир қалами-ни чархлаб, ровналатиб бормоқда. Бу йўлда унга тоғлар қоридек янги шаф-фоз зафарлар тилаб қоламиз.

Аҳмаджон МЕЛИБОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

Инфратузилма

«Янги Қорақум» массивида ҳам энди мактаб бор

Муборак туманининг Истиқлол маҳалласи ҳудудида жойлашган «Янги Қорақум» массивида лойиҳа қўймати 16,7 млрд. сўмни ташкил этган мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Тўрт қаватли, 660 ўринга мўлжалланган мактабда ўқувчиларнинг сифатли таълим ва тарбия олиши учун барча шарт-шароит яратилган. Жумладан, замонавий ўқув-лабораториялари, компьютер синфлари, турли касбларни ўргатишга моллаштирилган махсус хоналар ҳамда киши ва ёзги спорт майдончалари улғайиб келаётган авлодни маънан ва жисмонан баркамол этиб тарбиялаш-да муҳим ўрин тутди.

— Бунга қадар «Янги Қорақум» массивида мактаб йўқ эди, — дейди "Истиқлол" маҳалла фуқаролар йигини раиси Гулчехра Жўраева. — Натихада ушбу ҳудудда яшовчи мингдан ортқ оилалар фарзандлари йиллар давомида кўшни ҳудудлардаги мактабларда ўқитилди. Улар ҳар куни 10 — 15 чақирим узокликдаги мактабларга қат-нар ва бу ота-оналар учун ҳам оғриқли муаммо эди. Шу боис янги мактабнинг фойдаланишга топширилиши бутун маҳалла аҳли учун қатта шодибанга айланади.

Мактабнинг тантанали очилиш маросимида вилоят ҳокими Муротжон Азимов иштирок этди.

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ
(«Халқ сўзи»).

Ушхабар

ифтихор тўғйуларини шакллантиришга хизмат қилади.

Тадбирда Жиззах вилояти ҳокимлиги томонидан марказ жамоесига жаҳон ва ўзбек адабиётининг дурдона асарлари тўплами топширилди.

Талибжон ЭРҒАШЕВ
(«Халқ сўзи»).



ЗИЁ МАСКАНИ ИШ БОШЛАДИ

Аҳоли, хусусан, ёшларимиз ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш, айниқса, қишлоқ аҳолининг бадий адабиётга бўлган меҳрини янада юксалтириш, китоб мутлоаси учун қулай имкониятлар яратиш мақсадида Пахтакор тумани марказида замонавий Маънавий маскани фойдаланишга топширилди.

— Янги зиё маскани давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 26 мартдаги "Маънавий-маъри-

фий ишлар тизимини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини

таъминлаш мақсадида ташкил қилинди, — дейди Маънавият ва маърифат маркази Жиззах вилояти бўлими раҳбари Иқболлой Марқав. — Ишонамизки, ушбу марказ униб-ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда миллий гурур,

«Ўзмиллийбанк» АЖ: ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ДРАЙВЕРИГА АЙЛАНМОҚДА

Бозор иқтисодиётида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси тадбиркорлиқда қулай, талаб ва эҳтиёжни инобатга олиб, шароитга тез мослашувчан йўналиш ҳисобланади. Шу боис мамлакатимизда кейинги йилларда мазкур тармоқни жаҳон андозалари даражасида ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Аслида, дунё таърибасида ҳам хизматлар соҳаси мамлакатнинг иқтисодий ўсиши, янги иш ўринлари яратиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Халқро менаж ташкилотчи ҳисоб-китобларига қараганда, хизматлар соҳасининг 1 фоизга ўсиши камбағалликни ўртача 4 фоизга қисқартиради.

Ўртимизда кейинги беш йил давомида ялпи ички маҳсулотда хизмат кўрсатиш тармоғининг улуши 42 фоиздан 47 фоизга ўсди. Бугунги кунда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг 65 фоизи, иш билан банд аҳолининг 50 фоиздан ортиғи айнан шу йўналишда фаолият юритмоқда. Бу борада давлат хизматлари, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим, улғуржи ва чакана савдо ҳамда ижтимоий хизматлар жадал ривожланяпти.



Мақсад — истиқболли лойиҳаларни рағбатлантириш

Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожига тааллуқли жараён билан танишиш мақсадида «Ўзмиллийбанк» АЖ матбуот хизмати томонидан Фарғона вилоятига пресс-тур ташкил этилди.

Айни пайтда банкнинг Фарғона вилояти бош бошқармасида 323 нафар профессионал мутахассис томонидан сифатли банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда. «Мижоз манфаати устувор» тамойили асосида ҳар бир ходим универсал хизмат кўрсатиш малакасига эга. Бу банкда тирбандликларнинг олдини олишда ва ҳар бир мижозга тез, сифатли ҳал этилишида ниҳоятда кўл келади. Ўз навбатида, банк тизимида онлайн хизматлар кўламини тобора кенгайтириб, инсон омили камайиб боришига эришилаётир.

Шунингдек, Кува, Риштон, Бешарик туманлари ҳамда Қўқон шаҳрида «Ўзмиллийбанк» АЖнинг банк хизматлари марказлари фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, истиқболли лойиҳаларни кўллаб-қувватлаш бўйича изчил саъй-ҳаракатлар олиб боришмоқда. Замоноавий мезонлар асосида ишловчи банк офисларида мижозлар учун барча қулайлик яратилган.

— 2023 йилнинг олти ойи мобайнида банк кўмағида 65,4 млрд. сўмлик 37 та лойиҳа амалга оширилди, — дейди «Ўзмиллийбанк» АЖнинг Фарғона вилояти бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Комилжон Тўхтаназаров. — Натيجида ҳисобот даврида 305 та янги иш ўрни яратилди.

Ўтган даврда 349,1 мингта мижозга хизмат кўрсатилди. Пластик картончалардан тўлов учун қулайлик яратиш мақсадида 34 та банккомат, 2709 та савдо терминали ўрнатилган. Вилоти ҳудудида филиалга тегишли 10 та валюта айирбошлаш шохбосчаси ва 24/7 режимида хизмат кўрсатувчи 2 та автوماتлаштирилган валюта айирбошлаш шохбосчаси фаолияти йўлга қўйилган.

Ҳозирда банк мижозларининг 61 фоизи масофадан бошқариладиган инновацион хизматлардан фойдаланмоқда. Бу борада ҳисоб рақамларда банк айланиларини амалга ошириш, онлайн кредит расмийлаштириш, халқро ва миллий пластик картончаларда банк амалиётлари ҳамда тўловларни бажариш, омонатларни расмийлаштириш каби хизматлардан фойдаланиш мумкин.

Хусусий тиббиёт: сифат ва самара

Надавлат тиббиёт ташкилотлари хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга олиб чиқишда муҳим омили бўлаётган десак, муболағга эмас. Бугун юртимизда надавлат клиникалари сони 8 мингдан ошиб, бу 2016 йил билан таққослаганда икки ярим баробарга кўпайганидан далолат беради.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 1 апрелда қабул қилинган «Соғлиқни

сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида хусусий тиббиёт муассасаларига кенг қўламли имтиёз ва преференциялар берилди. Унга кўра, тақдим этилган солиқ имтиёзлари надавлат тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш имконини яратди.

Албатта, тежалган маблағлар ҳисобига замонавий тиббий жиҳозлар, асбоб-ускуналар харид қилинди, янги иншоотлар қурилди. Давлат томонидан солиқ имтиёзлари эвазига бир

лари билан фаол шериклиқни йўлга қўйиш режалаштирилмоқда.

Фарғона — сайёҳлар нигоҳида

Бугунги кунда Фарғона вилоятида туризмни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу эса сайёҳлик соҳасини такомиллаштириш, хизматлар сифатини ошириш ва нархларни мақбуллаштириш бўйича янги-янги ўфқларни излаш, алоқаларни мустаҳкамлашнинг талаб этмоқда.



пайтнинг ўзига аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, сифатли тиббий хизмат кўламини ошириш бўйича икки муҳим вазифа ҳал этилди. Пировадида, ушбу қулайликлар халқимиз манфаати учун хизмат қилмоқда.

Фарғона шаҳрида жойлашган «Meridian» кўп тармоқли тиббиёт маркази бундан икки йил олдин фаолият бошлаган бўлиб, «Ўзмиллийбанк» томонидан ажратилган 5 млрд. сўм кредит эвазига энг сўнгги рўсумдаги жиҳозлар сотиб олинди. Бугунги кунда марказда аҳолига замонавий ташхис ва даволаш хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

— Германия, Япония, Жанубий Корея ва Хитойдан янги ускуналар олиб келганимиз, — дейди тиббиёт маркази раҳбари Нурилло Мамасиддиқов. — Клиникамиз 120 та стационар ўринга, йилгига 2 мингта жарроҳлик амалиёти ўтказиш қувватига эга. Эътиборлиси, 2022 йили марказ ҳузурда тиббиёт университети очилди. Олий таълим муассасасига хорижий ўқитувчилар ҳам жалб этилган, талабалар амалиётни марказда ўтайд.

Шу тариқа марказ ўнга яқин клиникалар, ташхис бўлимлари, лаборатория ва университетни бирлаштириб, тиббиёт кластерини ташкил этди. Бу — соҳада соғлом рақобат мўҳити яратилишида муҳим омилидир. Эътиборлиси, бу ерда банкнинг молиявий қўллаб-қувватлаши ёрдамида халқро хамкорлик кўламини кенгайтириш, хусусан, Германия, Ҳиндистоннинг дунёга машҳур тиббиёт марказ-

Вилоятда жаҳон андозаларига мос равишда барпо қилинган меҳмонхоналарда сайёҳлар учун яратилган қулайликлар, хоналардаги мажмуд шароитлар бу ерда бўлган ҳар қандай кишининг эътиборини тортиши, шубҳасиз. Айни пайтда вилоятда 305 та жойлаштириш воситаси, хусусан, 43 та меҳмонхона, 234 та оилавий меҳмон уйи, 28 та хостел мавжуд. Маҳаллий ва хорижий сайёҳларга хизмат кўрсатувчи 85 та туристик фирма фаолият олиб бормоқда. Вилоятда 376 та маданий мерос объекти бўлиб, уларнинг 50 га яқини туризм маршрутлари рўйхатига киритилган.

Биргина жорий йилнинг ўзига вилоятга 1 млн. 660 минг ички ҳамда 421 минг нафар хорижий сайёҳларни жалб этиш режа-жадвали ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. Сайёҳлар ташрифи доирасида экспорт ҳажмини 125 млн. долларга етказиш белгилаб олинди.

Фарғона шаҳрида йиллар давомида бўш турган беш қаватли бинода меҳмонхона фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида умумий қиймати 15 млрд. 300 млн. сўм бўлган бизнес-лоийҳа ишлаб чиқилди. Меҳмонхона жиҳозлари учун «Ўзмиллийбанк» томонидан 2 млрд. сўм миқдорда кредит ажратилди.

— Ҳозирда 100 ўринли меҳмонхонада конференция зали, қўмилиш ҳавзаси, ресторан каби ўнга яқин хизматлар йўлга қўйилиб, 35 та доимий иш ўрни яратилишига эришилди, — дейди «Fergana delexe» меҳмонхонаси иш бошқарувчиси Элдорбек Шаропов. —

Яқин истиқболда банк билан ҳамкорликда 20 млрд. сўмлик лойиҳа доирасида қўшимча туризм хизматларини йўлга қўйиш режалаштирилмоқда. Айни жараёнда 2, 4, 7 кунлик туризм маршрутлари ишлаб чиқилиб, балиқ ови, табиатга савҳат, умуман олганда, агро ва экотуризм хизматлари кўламини кенгайтириш кўзда тутияпти.

Ҳисоб-китобларга қараганда, бир нафар хорижлик сайёҳ уч кун вилоятда қолса, унга ўртача 270 — 300 долларлик хизмат кўрсатилади.

Навқирон авлодга эътибор

Пресс-тур иштирокчилари вилоятда мактабгача таълим тизimini ислох этиш борасида олиб борилаётган тизимли ишлар билан ҳам таништирилди. Хусусан, соҳани кенг ривожлантириш учун хусусий сектор кириб келишига яратилган қулай шарт-шароитлар эътибор марказида бўлди.

Қайд этилганидек, ҳаётбахш илохотлар самараси туфайли бугунги кунда вилоятда мактабгача таълим ташкилотларига қамров 90 фоиздан ошди. Бу борада жаҳон андозалари даражасида барпо этилган муҳташам надавлат таълим даргоҳлари баркамол авлод таълим-тарбияси йўлида хизмат қилмоқда.

Масалан, айни пайтда тадбиркор Дилшод Раҳмонов томонидан вилоятда 4 та МТТ ташкил этилган. Уларнинг 3 таси Марғилон, биттаси Фарғона шаҳрида фаолият кўрсатади.

Таъкидлаш ўринлики, шу йилнинг сентябрь ойида вилоят марказининг «Қирғули» даҳасида 5 млрд. сўмлик лойиҳа бўйича 150 ўринли яна бир филиални ишга тушириш мақсад қилинган. 2024-2025 йилларда фойдаланишга топшириш учун «Ўзмиллийбанк» билан ҳамкорликда яна иккита лойиҳа учун бизнес-режа тайёрланапти.

— Бир неча турдаги солиқлар бўйича 10 йилгача имтиёз берилди, субсидиялар ажратилмоқда, — дейди лойиҳа ташаббускори Дилшод Раҳмонов. — 2017 йили мазкур тармоққа асос солган бўлсак, унгача хорижда ишлаб юрар эдим. Соҳага қаралаётган эътибор ва рағбат туфайли беш-олти йилда кўриб турганингиздек катта ютуқларга эришимиз.

Дикқатга молик жиҳати, тадбиркор ўз фаолиятини жаҳоннинг энг илгор тажрибалари асосида ташкил этишга ҳаракат қилиб, ўтган йилларда Жанубий Корея, Туркияда малака ошириб келди. Яқинда таъриба алмашиш учун Грузияга боришни мўлжал қилган.

Ҳар бир лойиҳа ўзига хос меъморий ечимга эга бўлиб, ўқув, қўшимча машғулотлар биналари миллий ва халқро андозалар асосида бунёд этилган. Бу ерда хорижий тиллар, спорт тўғрисидаги вилоятдаги энг таърибали ўқитувчи-мураббийлар томонидан олиб борилади.

Олтириқда транспорт-логистика маркази

Деҳқончилик соҳасида ўзига хос таъриба мактаби яратган олтириқлик миришкорлар етиштирган узум, ўрик, шафтоли, олма, бодринг, турп каби мева-сабзавотлар нафақат юртимиз, балки узоқ-яқин хориж давлатларида ҳам хариддоригр.

Туманда 3 минг гектар ерда узумзор барпо этилган бўлиб, жорий йилда 67 минг тонна ҳосилни экспорт қилиш режалаштирилган. Шу мақсадда 68300 тонна сизимга эга 83 та музлаткичли омборхона бунёд этилган. Бу йил яқини билан Олтириқда қарий 100 млн. долларлик қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш кўзда тутилмоқда.

Тадбиркор Аҳмажон Абдураҳмонов бир неча йиллардан буён «Ўзмиллий-



банк» кредитларидан фойдаланиб, боғдорчилик фермер ҳўжалиги, транспорт-логистика маркази фаолиятини тобора кенгайтириб бораётир. Шунингдек, тадбиркор томонидан Германия, Нидерландия технологияси асосида 3 минг тонна сизимга эга музлаткичли омборхона ташкил этилган. Пишиқчиллик мавсумида энг сара мева-сабзавотлар захирага жамғарилиб, қиш-баҳор ойларида МДХ давлатларига экспорт қилинади.

— Олис масофага юк ташишга мўлжалланган 70 та замонавий машина банк кредитлари ёрдамида босқичма-босқич харид қилиниб, «Ўткир ман транс» транспорт-логистика маркази фаолиятига асос солинди, — дейди тадбиркор пресс-тур иштирокчилари билан суҳбатда. — Бу йил «Ўзмиллийбанк»нинг хорижий кредит линиясидан фойдаланиб, яна 10 та юк машинаси олиб келиш бўйича шартнома имзоланди.

Бугунги кунда тадбиркорлик субъектида 100 дан зиёда иш ўринлари яратилган, ҳар ойда ўртача 1200 — 1300 тонна қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари МДХ давлатлари бозорларига етказиб берилмоқда. Ҳозирда туманда етиштирилган сархил меваларни Европа, араб давлатларига экспорт қилиш мақсадида ўрганиш ишлари давом этияпти.

Тадбиркорнинг алоҳида қайд этишича, «Ўзмиллийбанк» мижозларини юксак кадрлаб, лойиҳаларни амалга оширишда ҳамisha эътибор ва рағбат кўрсатади. Мисол учун, қарий 90 фоиз банк хизматларидан онлайн фойдаланаётган унга вақт ва маблагни тежааш имконини бермоқда. Доимий ва ишончли мижоз бўлганлиги учун ҳозирданок банк мутахассислари ундан 2024 йил учун қандай бизнес-лоийҳаларни режалаштираётгани билан қизикмоқда.

Имоният ва имтиёздан унумли фойдаланган ҳолда тадбиркор яқин келаякда узумни сановат усулида қайта ишлаб, шарбат тайёрлаш, табиий усулда қадоклаш ва экспортга чиқаришни мақсад қилган.

Риштон чинниси — экспортга

Навбатдаги манзил — азалдан куллолар юрти сифатида танилган Риштон тумани. Эътиборлиси, хунармандчиликнинг ушбу тармоғи кейинги йилларда хизмат кўрсатиш соҳасининг драйверига айланган. Айни пайтда тумандаги ўнлаб куллочилик корхоналари, туризм объектилари сайёҳликни ривожлантиришда муҳим омили бўлиб хизмат қилаётир. Қолаверса, туманда янги иш ўринлари ташкил этиш орқали аҳоли фаровонлигини юксалтириш ҳамда экспорт салоҳиятини оширишда куллочиликнинг ўрни беқимёс.

Риштон куллочилиги маҳсулотлари нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиё, МДХ давлатлари миқёсида

тобора оммалашиб бораётир. Ўз навбатида, АҚШ, Япония, Италия, Туркия сингари мамлакатлар хунармандлари, тадбиркорлари билан икки томонлама манфаатли алоқалар йилдан-йилга кенгайиб боришига эришилипти.

2017 йили ташкил этилган «Олимжон Илёсов» МЧЖ раҳбари Усмонжон Қодировнинг маълум қилишича, умумий қиймати 3 млрд. сўмлик лойиҳани амалга ошириш учун «Ўзмиллийбанк»нинг 2 млрд. сўм ҳажмида кредити ажратилиб, йилгига 1 млн. дона чинни буюм ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Туманнинг олис «Навбахор» МФЙда иш бошлаган корхонада 100 нафар маҳаллий аҳоли вакили мижоз иш ўрнига эга бўлди.

— Риштонда куллочилик соҳаси ривожланишида чинни маҳсулотлари ишлаб чиқариш муҳим аҳамият касб этган, — дейди корхона иш бошқарувчиси Қобилжон Жамолов. — Ҳозирда 10 турдаги чинни пиёла, лаган, косалар тайёрланиб, қўшни республикаларга экспорт қилинмоқда. Маҳсулотларини табиий сифати, экологик жиҳатдан безарар хомашёдан тайёрланиши туфайли доимо хариддоригр.

Дарҳақиқат, жорий йилнинг олти ойида корхонада 1 млн. долларлик маҳсулот экспорт қилингани ҳам хорижда ушбу маҳсулотга бўлган талаб нечоғли юқори эканлигини аңглатади. Яқин келаякда эса бу ерда сайёҳлар учун алоҳида устакхоналар ташкил этилиб, маҳорат дарслари ўтказиш, маҳсулот тайёрлаш жараёнида бевосита қатнашиш имконини яратиш режалаштирилган.

Пресс-тур иштирокчилари Қўқон шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Life Import» МЧЖ шаклидаги қўшма корхона фаолияти билан ҳам танишилди. Бу ерда хитойлик тадбиркорлар билан ҳамкорликда бир неча турдаги тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлиб, «Ўзмиллийбанк» кредити ҳисобига истиқболли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Мухтасар айтганда, вилоятда хизматлар соҳасини ривожлантириш борасида «Ўзмиллийбанк» АЖнинг Фарғона вилояти бош бошқармаси томонидан эртанги кун истиқболга хизмат қилувчи лойиҳалардан самарали фойдаланилмоқда. Хусусан, жорий йил якуни билан вилоятда:

- 27 трлн. сўмлик хизмат кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш ҳисобига ўсиш сўрьатини 2022 йилдагига нисбатан 114 фоизга етказиш;
- 2 мингта яқин хизмат кўрсатиш объектиларни ишга тушириш;
- 1,8 мингта қўшма савдонни ташкил этиш ва 1,1 мингта хизмат кўрсатиш объектини йўлга қўйиш учун бўш ер майдонларини аукцион савдоларига чиқариш;
- қарий 100 мингта янги иш ўрни яратиш;
- аҳоли жон бошига кўрсатиладиган хизматлар ҳажминини 5,5 млн. сўмдан 7 млн. сўмгача етказиш прогноз қилинган.

Бундан буён ҳам хизматлар соҳасини ривожлантиришда замонавий ёндашувлардан фойдаланиш, янги хизмат турларини шакллантиришда худудларнинг ихтисослашуви — «ўсиш нуқтаси» га эътибор қаратиш ҳамда хорижий таърибани кенг татбиқ этиш асосий мезон бўлиб хизмат қилади. «Ўзмиллийбанк» АЖ жамоаси эса бу борада ҳар доим тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш ва ишончли ҳамкор бўлиб қолишдан беҳад мамнун.

Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).

Хизматлар лицензияланган.



Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 841. 32 145 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетанимиздаги маълумотларни оқиб оланиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.



Тажрибига келган кўлаблар таъриб қилинмайди ва мўаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзлаб берилми учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаовбар.
Газета таърибят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сакцифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Б. Мадиев.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.45 Топширилди — 00.20 1 2 3 4 5 6